



**“ЎЗБЕК МУМТОЗ
АДАБИЁТИНИ
ЎРГАНИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МАНБАВИЙ
АСОСЛАРИ”**

мавзусидаги
Республика II илмий-амалий
конференция материаллари



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ



“ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ”

мавзусидаги Республика II илмий-амалий конференция
м а т е р и а л л а р и
(22 октябрь, 2020 йил)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент–2020

АДАБИЙ МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА МАТН МАСАЛАЛАРИ

МАТН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ МУҚОБАЛА УСЛУБИ

Нурбой ЖАББОРОВ,

филология фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Аннотация. В статье анализируется роль метода *мукобала* в изучении истории текста классических произведений. Было доказано, что метод *мукобала*, который был использован при реконструкции достоверных текстов хадисов, может быть основой также для достижения научной точности, текстового совершенства при изучении истории текста художественных произведений.

Ключевые слова: художественный текст, история текста, рукопись, метод *мукобала*, методология научного исследования.

Annotation. The article analyzes the role of the *mucobala* method in studying the history of the text of classical works. It has been proven that the *mukobala* method, which was used in the reconstruction of authentic hadith texts, can also be the basis for achieving scientific accuracy, textual perfection in the study of the history of the text of works of art.

Key words: literary text, history of the text, manuscript, *mukobala* method, methodology of scientific research.

Мумтоз бадий асарлар матни тарихини чуқур ўрганмай туриб, матншунослик илмининг тараккий этиши хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки *матн тарихи* тушунчаси матншуносликнинг таянч назарий асосларидандир. “Матн тарихи қўлзма манбалар генеалогиясини текширишдан муаллифнинг ва манбани кўчирган котибнинг дунёқараши ва ғоясини ўрганишгача, асарнинг юзага келишида муаллиф ижодий ниятининг рўёбга чиқишидан унинг яратилишига у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа адабий ёдгорликлар билан ўзаро боғлиқ жихатлари тадқиқигача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олиши”¹ назарда тутилса, ушбу илмий муаммони ўрганиш нечоғлиқ муҳим экани янада ойдинлашади. Матн тарихига бундай ёндашув рус матншуноси Д. С. Лихачевнинг: “*Матн тарихи* тушунчаси муайян асар матнининг барча масалаларини камраб олади. Асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (ёки имкон даражасида тўлиқ) ўрганишгина бизга асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради”,² деган фикрига аниқлик киритади ҳамда уни тўлдиради.

Бугунги кунда ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишда бўлгани сингари матншунослик соҳасида ҳам илмий тадқиқот методологияси ишлаб чиқилган эмас. Мумтоз бадий асарлар

¹ Жабборов Н. Ўзбек матншунослиги ва унда *матн танқиди*, *илмий-танқидий матн* истилохларининг ўрни / Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2019. 9-бет.

² Лихачев Д. С. При участии А. А. Алексеева и А. Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X–XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во “Алетейя”, 2001. – С. 33

матнени ўрганишнинг илмий асосланган, ушбу йўналишдаги тадқиқотларга қўллаш мумкин бўлган мезонлари ва тамойиллари ҳанузгача тайин этилмаган. Бу эса, ўз навбатида, матншуносликнинг ва адабий-илмий таҳлилнинг ҳам асоси бўлган матн тарихини тадқиқ этишнинг яхлит тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади. Савол туғилади: бу тизим қандай илмий мезонларга таянмоғи зарур? Бизнингча, бу саволнинг жавобини миллий адабий-эстетик тафаккурни жаҳоний миқёсга кўтарган ҳазрат Алишер Навоий қарашларидан излаш тўғрироқ бўларди.

Ҳазрат Навоий шеърятга, умуман бадиий матнга қандай талабларни қўйган? “Бадойиъ ул-бидоя” девони дебчасида: *“Неча навъ ишиким, мунда маръий бўлубтурур, ўзга давовинда кўрулмайдурур”*¹, дея девон тартиб беришнинг мезонларини билдиради. Гарчи улуғ мутафаккир бу ўринда девон тартиб беришга, бадиий ижодга қўйилган талаблар хусусида сўз юритган бўлса-да, бу талабларни асарнинг матн тарихини ўрганиш жараёнига ҳам татбиқ этиш мумкин. Бу талаблар қуйидагилардир:

1. Девондаги ўттиз икки ҳарфга битилган ғазаллардан ҳар бирини ҳамд ёки наът билан бошлаш. Бу ҳақда ҳазрат Навоий мана бундай ёзади: *“...ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битилган ғазал била ўзга ғазаллар орасида услуб хайсиятидин тафовут риоят қилмайдурурлар. Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё Расул алайҳиссалом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин гофил бўлмамоғлиқ авлодурур. Агар лаҳзае бу саодат муяссар бўлмаса, ҳар мутааййин амр ифтитоҳида худ не навъ тагофул ва тақосул раво кўрулғай”* [Б.21]. Лирик девонларни матн тарихи нуқтаи назаридан таҳлил этганда, ана шу хусусиятни назарда тутмоқ зарур. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий лирик девонларидаги ҳамд ва наът мазмунидаги шеърларда муаллиф дунёкарашининг, ижод концепциясининг асослари ифодаланган. Матн тарихи шоир ёки адибнинг бадиий матн яратишдаги режаси ва мақсади билан боғлиқ экани эътиборга олинса, буюк мутафаккирнинг ижод концепцияси акс этган ҳамд ва наът ғазаллар моҳиятини ўрганишнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

2. Девонда ўқувчи онги ва қалбига маърифат нурларини улашувчи ғазаллар ва ҳар бир ғазалда мавъиза руҳидаги байтлар бўлмоғи шарт экани. Улуғ шоир таърифича: *“Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатанғиз бир байт бўлмағай. Мундоғ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилгон бўлғай”* [Б.21]. Бу ўринда ҳам Алишер Навоий ижод тутумининг асосларидан бири ифодаланган. Маълум бўладики, лирик шеърлар жамланган девон, ундаги ҳар бир асар таҳлил этилар экан, матн замирига сингдирилган маърифий мазмун ва мавъиза моҳиятига диққат қаратилмоғи зарур. Муаллифнинг концептуал қарашлари билан боғлиқ бўлгани боис бу хусусият матн тарихини ўрганишда, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаш керак.

3. Матлаъ – бошланма байти қай маънода бўлса, ғазал то мақтаъгача мазмун, шакл ва услуб жиҳатдан шунга мутаносиб бўлмоғи зарур. Бошқача айтганда, шеър бир мазмун билан бошланиб, ўзга мазмунда якунланмаслиги, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда: *“...ҳар мазмунда матлаъе воқий бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъгача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушғай”* [Б.22]. Яъни муаллиф матнни қай сурат

¹ Алишер Навоий. Дебеча. Бадойеъ ул-бидоя. /Мукаммал асарлар тўплами. Йиғирма томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 20 (ушбу манбадан олинган кейинги иқтибослар матни тўрбурчак кавеса Б ҳарфи билан келтирилади).

(жанр) ва қандай маъни билан бошлаган бўлса, шакл ва мазмундаги ана шу мутаносибликни охиригача сақлаши зарур. Матннинг шаклланиши ва такомиллиги – матн тарихи билан боғлиқ бу мезон муаллиф режаси ва мақсадининг амалга ошув жараёнини ифода этиши нуктаи назаридан муҳимдир. Матншунос Нафас Шодмонов фикрича: “...матн муаллифи ҳаракатдаги воқеликни акс эттирар экан, муайян ижодий руҳий жараёни кечиради. Шу жараёнда у объектив ва субъектив сабаблар таъсирида матннинг айрим ўринларига муносабатини ўзгартириши ва уларга турли ҳажмлардаги тузатишлар киритиши мумкин. Бундай тузатиш ва ўзгартиришлар матннинг материали, яратилиши, шаклланиши, қурилиши ва ҳоказо тарихий, бадиий, ғоявий ҳамда услубий жиҳатларини ўрганишга асос бўлади. Шунинг учун ҳам матн тарихини ёритишда унинг бадиий асар сифатида *шаклланиши жараёни* қандай кечганини унда мавжуд фактик материалларни таҳлил қилиш орқалигина амалга ошириш мумкин”¹.

Ҳазрат Навоийнинг юқорида таҳлил этилган талаб ва мезонлари бадиий асар матни ҳамда унинг ижод этилиш жараёнини акс эттириши жиҳатидан қимматлидир. Бинобарин, матн тарихини ўрганиш ва баҳолашда ушбу мезонларга таяниш кутилган натижаларни беради. Улуғ шоирнинг ўзи ана шу талабларга тўлиқ риоя этгани, айниқса, уларнинг адабий-эстетик ва илмий қимматини оширади. Лекин, афсуски, Алишер Навоий асарларининг нашр этилиши ва ўрганилишида бу хусусиятларга етарли даражада диққат қаратилган эмас.

“Бадойиъ ул-бидоя”да дастлабки расмий девонида ана шу талабларни қўйган ҳазрат Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиётида бу мезонни мукамал даражага етказгани маълум. Ҳар бир ҳарфга ёзилган ғазаллар сонидан тортиб уларда ҳамд ва наът мазмунининг акс этишигача мукамал уйғунлик сақлангани бунинг исботидир. Насрий ва илмий асарларида ҳам бу талабларга риоя этилгани, айниқса, аҳамиятлидир. Бироқ улар матннинг нашрлари, тадқиқ қилиниши борасида, афсуски, нуксонлар ҳаддан зиёд кўп. Бунинг сабабини улуғ мутафаккир асарларининг матн тарихи мукамал ўрганилиб, ундан сўнг нашрга қўл урилмагани билан изоҳлаш мумкин. Бир мисол келтирамиз: “Насойим ул-муҳаббат” асари дастлаб буюк шоирнинг йигирма жилдлик “Мукамал асарлар тўплами” 17-жилдида нашр этилган. Асарнинг наът қисмида мана бу сўзлар битилган: “*Ва чун ул Ҳазрат с. а. в. анбиёнинг хотими эрди ва андин сўнгера нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинаким, ноқислар тақмилига умматнинг қомилу олимларини номвар эттики, бурунги анбиё ўрнига уҳда қилғайлар ва йўлдин чиқсонларга йўл қўрғузгайдарки умматим уламози Бани Исроил олимлари кабидур*”².

Ушбу иқтибосдаги ҳадиси шариф матни таржимасида жиддий хатолик ўтган. Чунки мазкур ҳадис мазмуни, аслида, “*умматим уламози Бани Исроил пайғамбарлари кабидур*” бўлиши керак. Айни нашрда ҳадислар матни араб тилида аслиятда ҳам келтирилган. Жумладан, мазкур ҳадис матни нашр сўнгида *امتى كاتيباء بنى اسرائيل* тарзида тўғри берилган. Лекин аслиятни наинки оддий ўқувчи, хатто аксар мутахассислар ҳам ўқиш, тушуниш имкониятига эга эмаслиги эътиборга олинса, табибда нечоғлиқ жиддий хатоликка йўл қўйилгани ойдинлашади. Афсуски, бу хатолик Алишер Навоийнинг ўн жилдлик “Тўла асарлар тўплами”да ҳам такрорланган. Фарқи, ушбу нашрда ҳадиснинг аслият матни ёнма-ён

¹ Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол” – адабий манба. – Тошкент: Muhatir, 2009, 22-бет.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат./Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 14

берилгани ҳолда таржимаси яна: “*умматим уламози Бани Исроил олимлари кабидур*” тарзида ғалат берилган¹. “Насойим ул-мухаббат”нинг Ҳомидхон Исломиёв томонидан тайёрланиб, 2011 йили чоп этилган илмий-танқидий матни² ва 2017 йили босмадан чиққан тадбир нашр³ларида бу хатолик тузатилган.

Матншунослик муаммоларига доир тадқиқотларда, матбуотдаги чиқишларда аксар ҳазрат Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоиру адибларимиз асарлари нашрларидаги матний хатоликлар, уларни бартараф этиш зарурати билан боғлиқ қарашлар етакчилик қилади. Бу ҳақда ҳам фикр билдирилиши зарур. Лекин матншуносликнинг назарий асосларини чуқурроқ ишлаб чиқиш, адабий манбага шу асосда баҳо бериш, таҳлил ва тадқиқ қилишга ўтилмас экан, гап гаплигича қолиб кетиши эҳтимоли сақланиб қолаверади. Матншуносликнинг ўзак муаммоси – матн тарихи ҳақида гап кетар экан, уни ўрганишда мумтоз адабиётимизга поэтик мазмун, поэтик шакл ва ҳатто вазн жиҳатдан ҳам манба вазифасини ўтаган Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўрганишда синовдан ўтган илмий услублардан фойдаланиш кутилган амалий натижаларни бериши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Қуръони каримни тафсир қилган муфассирлар оятларнинг нозил бўлиш сабаблари, ушбу илохий манбанинг китобат тарихи хусусида қимматли маълумотларни берганлар. Худди шунингдек, муҳаддислар, пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларининг ворид бўлиши сабабларини, санадини, яъни ким томонидан ривоят қилинганини аниқлаб, ҳадиси шарифларнинг ишончлилиқ даражасини шунга кўра белгилаганлар. Жумладан, ҳадис китобларининг нақл қилиниш тартиби ҳақидаги мана бу қарашлар айнан матн тарихи билан боғлиқ эканини таъкидлаш керак: “Мусулмонларда ёзма маълумотлар, хусусан, ҳадис китоблари бир қанча шартлар асосида нақл қилинади. Муҳаддис ўз тўплами асосида ҳадис айтар экан, уни одамларга ўқиб беради. Хоҳловчилар айтилган ҳадисларни ёзиб олишади. Агар жамоат катта бўлса, ҳар жой-ҳар жойда муҳаддиснинг сўзини етказиб беришга маълум кишилар тайинланади. Улар ҳар бир сўзни баланд овозда узоқдагиларга етказиб беришади. Кейин ҳадисларни тўлиқ ёзиб олган шогирд ўз ёзганларини устоз кўригидан ўтказди: устоз шогирднинг ёзганини, шогирд устознинг китобини кўлига олади ва ҳар бир ҳадисни сўзма-сўз текшириб, охириги ҳарфигача асл нусхага солиштириб чиқилади. Китоб кўчиришдаги бу услуб “муқобала” деб аталади”⁴.

“Муқобала” услуби бадиий асарлар матни тарихини ўрганишда ҳам илмий аниқликка, матн мукамаллигига эришишга асос бўла олиши жиҳатидан қимматлидир. Ҳадис матнларининг тарихи билан боғлиқ бу услуб адабий ёдгорликлар матнини китобат қилиш ва илмий текшириш жараёнига ҳам қўлланиши зарур. Тўғри, бугун компьютер технологиялари замони. Адабий манбаларни кўпчилиқнинг иштирокида овоз чиқариб ўқиш ва қиёслашга эҳтиёж йўқдир. Лекин харфма-харф, сўзма-сўз қиёслаш маъносида бу услубни бадиий матнлар тадқиқи жараёнига ҳам қўллаш зарур ва агар ана шундай услубда ёндашилса, адабий асарлар матнини ўрганишда эътиборга молик илмий натижаларга эришиш мумкин бўларди.

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 92

² Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат (илмий-танқидий матн). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва кўрсаткичлар муаллифи Ҳ. Исломиёв. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011.

³ Алишер Навоий. Насойимул мухаббат мин шамойимил футувват (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва кўрсаткичлар муаллифи Ҳамидхон Исломиёв). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017.

⁴ Олтин силсила. Сахиҳул-Бухорий. 1 жилд. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2012 –Б.29.

Табийки, ҳар қандай матнда котиб томонидан, дастхат нусха бўлса, муаллиф кўчирганда ҳам баъзи хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. “Муқобала” услубида матндаги хатолик қандай бартараф этилгани ҳақидаги маълумотлар мусулмон олимларининг Расулulloҳ (с. а. в.) ҳадисларига муносабати қанчалик жиддий, ҳадислар матнининг хатосиз бўлиши учун нечоғлик эътиборли бўлганини кўрсатади: “Агар бирор хато бўлса, унинг тепасига чизиб, саҳифа чеккасида тўғрилаб ёзилади. Иш шундай дақиқ бўладики, агар бирор сўз ёки бирор қатор нотўғри кўчирилган бўлса ёки такрор бўлса, уни ўчириб юбориш мумкин бўлмаган. Бордию ўчириб юборилгудек бўлса, бу нусха ишончли йўқотган ва уни ҳеч ким қабул қилмаган. Чунки устига чизилса, тагида нима борлиги кўриниб туради. Ва ўқувчи у ерни ўқимай, ўтиб кетади. Аммо ўчиб кетган бўлса, эҳтимол, керакли нарса ўчирилгандир, деган шубҳа пайдо бўлади ва шунинг учун у қабул қилинмайди. Агар нусха шайхнинг кўригидан ўтиб, унинг тўғрилигидан устознинг қўнгли тўлса, шогирдга ўзининг ушбу китобидан дарс беришга ва ундан бошқаларга кўчиртиришга ўз дастхати билан ёзма равишда ижозат беради”¹.

Муқобала услубини матншунослик, хусусан, матн тарихини ўрганиш жараёнига татбиқ этишда куйидаги муҳим хусусиятларга алоҳида эътибор қаратиш зарур: 1) олимларнинг ягона мақсад – хатолардан холи муқаммал матнни тиклаш ниятида бир жамоа бўлиб ишлаши; 2) матннинг ҳарфма-ҳарф, сўзма-сўз қиёсланиши; 3) хатоликларни бартараф этиш учун мутахассислар ўзлари тайёрлаган матнларни бир-бири билан ўзаро алмашлаб текшириши; 4) матндаги хатоликларни ўчириб юбормасдан устига чизиб ишлаш; 5) тикланган ишончли матн бўйича дарс ўтишга аввал устоз олим томонидан ёзма ижозат берилган бўлса, бугунги кунда матншунослар жамияти томонидан махсус рухсатнома берилишини йўлга қўйиш. Айнан шу тарзда улуғ мақсад йўлида яқдиллик кўрсатувчи илмий жамоани шакллантира олинмагани, ҳазрат Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоиру адибларимиз асарларини нашр этириш ишига тизимли асосда илмий ёндашилмагани сабабли бугун – XXI асрнинг йигирма йили ўтаётган бўлса ҳам, ҳануз матндаги хатоликлар бартараф этилганича йўқ.

Муқобала услуби қоғоздаги матн устида ишлаш тажрибасига асосланган. Бугун компьютер технологиялари замонида бундай услубни қўллашга эҳтиёж борми, у қутилган самарани берадими, деган саволлар туғилиши табиий. Аслида, компьютер технологиялари билан ишлаганда ҳам бу услубни муваффақиятли қўллаш имкони катта эканини таъкидлаш керак. Жумладан, компьютерда матндаги хатонинг устига чизиб ёки хато сўзни маълум бир рангга бўйб ишлаш орқали айнан қоғозда ишлаган каби натижага эришиш мумкин.

Матн тарихини ўрганишнинг муқобала услуби яна шу хусусияти билан қимматлики, у жамоа бўлиб ишлашни – бир қанча олимларнинг илмий ҳамкорликда фаолият юритишини тақозо этади. Табиийки, илмий ҳамкорлик, айниқса, матншунослик ишларида юқори самара беради. Бу услубда ишланса, иззатталабликка, ўз номини кўрсатишга интилишдек номаъқул амалиятга кўп-да эҳтиёж қолмайди. Улкан илмий мақсадни – Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоиру адибларимиз асарларини матний хатоларсиз, юқори савияда нашрга тайёрлаш масаласи асосий планга чиқади. Шу жиҳатдан ҳам, муқобала услубини матн тарихини ўрганиш, мумтоз адабиёт намуналарининг муқаммал ва ишончли нашрларини амалга ошириш жараёнига татбиқ этиш матншуносликнинг устувор вазибаларидандир.

¹ Олтин силсила. Саҳиҳул-Бухорий. 1 жилд. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2012 –Б.29.

МУНДАРИЖА

О.Жўрабоев. Адабий манбаларни ўрганишдаги хассослик	3
---	---

САИДБЕК ҲАСАНОВ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Д.Салохий. Адабиёт маъҳази – илм тараққиётига замин бўлган маскан.....	10
Р.Зоҳид. Олимлик рутбаси.....	14
М.Сулаймонов. Саидбек Ҳасанов – Ёшларнинг меҳрибон устози	16

АДАБИЙ МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА МАТН МАСАЛАЛАРИ

Н.Жабборов. Матн тарихини ўрганишнинг муқобала услуби	20
Ю.Турсунов. “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг Ҳайдаробод нусхаси ва унинг баъзи матний хусусиятлари	25
Қ.Дехқонов. «Далоилу-л-хайрот» асарининг Давлат адабиёт музейи фондидаги нусхалари	28
Ҳ.Шокирова. Алишер Навоий “Хамса”сининг миниатюралари қўлёзмасининг хусусиятлари.....	30
Ш.Ҳасанова. «Тўтинома»нинг яна бир нусхаси ҳақида	33
О.Абдурахмонова. “Husn-u dil” dostoni tarkibidagi basmalaning qo‘lyozma manbalar bilan qiyosiy tahlili	36
С.Азизхонова. “Мурод-ул-ошиқин” девонининг Қўкон нусхалари ҳақида	39
С.Аҳмад. Убайдулла Ҳўжаев публицистикаси	43
Т.Шаймардонов. Сиддикий-Ажзий асарлари: аслият ва табдилдаги матний тафовутлар	50
Р.Шарофутдинова. Хуршид архиви ва унинг девони хусусида.....	53
Г.Абдуллаева. Навоийшунос олимлар архиви ҳақида	58
Ж.Жовлиев. Мақсуд Шайхзода қўлёзмалари.....	60

АДАБИЙ МАТН ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ

С.Болтабаев. “Мавоҳиби алийя” тафсирининг илк туркий таржимаси	65
С.Рустамий. Маҳмуд Замахшарийнинг “Навабиғу-л-калим” асарида тажнис санъати.....	74
Д.Юсупова. Алишер Навоий “Хамса”сини ўрганишда концептуал жадваллардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	78
А.Эшонбобоев. Навоийшунослик тарихидан	85
Ҳ.Жўраев, М.Саидқабарова. Алишер Навоий ижодида оилавий муҳит ва ижтимоий муносабат масалалари	89
Б.Ражабова. Бир рамзий образ талқинига доир	92
Ж.Маҳмудов. Ҳазиний урганчлик гўзаллар васфида ёхуд агар он турки урганчи	98
Д.Абдуллаева. Адабий-тарихий асарларда пайғамбар Сулаймон алайҳиссалом образи.....	101
Б.Умурзоқов. “Рашахот” асарида қўлланилган шеърий санъатлар ва адабий илмлар	104
А.Раззоқов. Алишер Навоий ижодида нубувват тимсолининг ирфоний моҳияти	113